

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Ҳаёт заққамни

Фуқароларни қонунларга нисбат қила-
диган давлат тинчлик қонунлари зам
уқлаб-ниҳоятин, афсурда зам уни олиб
бўлмайдин.
Солған

Қонунларни билмиш — уни зар бир
сўзни ёддан билмиш дегани эмас, уни
маъносини уғриш дегани.
Юстиниан I

2019 йил 12 март

сешанба № 9 (1161)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/



Аёлини ЭЪЗОЗЛАГАН юртнинг обрўси баланд бўлади

ЎТган ҳафта интернет сайтларида Ўзбекистоннинг гендер тенглик бўйича халқаро рейтингда паст баҳо олгани ҳақида хабарлар тарқалди. Хусусан, Daryo.uz ахборот сайти ўзининг телеграмдаги каналида қуйидаги маълумотни эълон қилди:

"Жаҳон банки 187 мамлакатда аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни ўрганиб чиқиб, "Аёллар, бизнес ва қонун" тадқиқотини (<https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/31327/WBL2019.pdf>) эълон қилди. "Газета.уз"нинг ёзишича, (<https://www.gazeta.uz/ru/2019/03/01/gender-equality/>), тадқиқотни тайёрлашда экспертлар мамлакатларнинг сўнги ўн йилликдаги қонунчилик базаларига баҳо берган.

Вазиятни баҳолашда ҳаракатланиш эркинлиги, ишга жойлашиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, никоҳ ва фарзандларнинг борлиги, хусусий бизнесни юритиш, мулкларни бошқариш ва пенсия таъминоти каби жиҳатлар ҳисобга

олинган.

Ўзбекистон рейтингда гендер тенглиги даражаси бўйича 100 баллик тизимда 70,6 балл олиб, МДҲнинг барча мамлакатларидан ортда қолган".

Ушбу ҳолат мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлигини кўрсатади.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан бу борада кўплаб муҳим ва ижобий ўзгаришлар қилиниши кўзда тутилган. Хусусан:

1. Аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинади.

Ҳозирги кунда амалда бўлиб турган айрим қонун

ҳужжатларида аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи чекланиш ҳолатини кўриш мумкин.

Жумладан, 2000 йил 5 январда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шaroити ноқулай бўлган ишлар рўйхати билан жами 400 га яқин касбларда аёлларнинг ишлаши тақиқланган.

Масалан, мазкур ҳужжатга кўра, аёлларнинг йўловчилар сони 14 та дан кўп сифимли автобусларнинг ҳайдовчиси бўлиб ишлаши тақиқланади. Ваҳоланки, ҳозирги кунда ушбу русумдаги транспорт воситасини бошқариш учун жуда катта жисмоний куч талаб қилинмайди. Шу сабабли мазкур рўйхат қарорга асосан қайта кўриб чиқилади. Аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати эса тавсиявий характерда бўлади.

2-БЕТ


Миннатдорлик мактуби

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Шайхонтоҳур туманида яшайман. Неча йилдирки, акам билан судлашиб келаман. Бунга сабаб мен истиқомат қилаётган уйдан акам мени кўчага қувиб солмоқчи бўлди. Шу боис яшашимизда ҳам ҳаловат йўқ эди. Суд жараёнларида ҳам ҳолисликни кўрмаётган эдим. Чунки судья фақат бир тарафни, яъни даъвогар тарафни эшитиб, менинг эса фикрларимни инobatта олмаётган эди. Шундан сўнг, "Инсон ва қонун" газетаси таҳририятига суд жараёнида муҳбир қатнашишини сўраб мурожаат қилдим. Таҳририят томонидан муҳбир иштироки таъминланди. Мазкур суд жараёни ҳолисона, қонун-қоидаларга тўлиқ риоя қилинган ҳолда олиб

борилди. Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди биносига очил суд мажлисида менинг фойдамга ҳал қилув қарори чиқарилди. Таҳририятнинг ҳар бир мурожаат билан танишиб, жиддий иш олиб боришига, фуқаролар манфаатларини адолатли равишда ҳимоя қилишларига гувоҳ бўлдим.

"Инсон ва қонун" газетаси таҳририятига мурожаатимни эътиборсиз қолдирмай, судда муҳбир иштирокини таъминлагани учун ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Муҳиддин АРТИҚОВ,
Тошкент шаҳри



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Аёлини ЭЪЗОЗЛАГАН юртнинг ОБРЎСИ БАЛАНД БЎЛАДИ

2. Фарзанд тарбиясида оталарнинг масъулияти оширилади.

Қонунчиликка асосан бола парваришlash таътилини (декрет таътили) нафақат она, балки ота томонидан ҳам олинishi мумкин.

Бунда Президент Қарорига асосан мазкур таътилнинг уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига қўшимча бир бола парваришlash таътили берилиши назарда тутилган. Ушбу бир ой учун ҳам нафақа тўланади.

Шунингдек, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилиши лозим.

Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз дақиқадан кам бўлмаган муддат билан берилади. Аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатлантириш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг бошига ёки охирига кўчирилиб, иш кунини шунга яраша қисқартирилиши мумкин эди.

Янги тартибга кўра, мазкур ҳуқуқ икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи она билан бир қаторда оталарга ҳам берилапти, шунингдек, мазкур танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш мумкин. Яъни, умумлашган танаффусни фақатгина иш кунини боши ёки охирида эмас, балки ўзига қулай бўлган вақтда олиши мумкин.

3. Пенсия ёшига етган аёлларнинг ишлашда давом этиши рағбатлантирилади.

Меҳнат кодексига асосан ходимда пенсия олиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши, у билан меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига асосан бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Яъни, умумий қоидага кўра, аёллар 54 ёшга тўлгандан кейин 20 йиллик иш стажига эга бўлса, иш берувчи уни меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида камида икки ой олдин огоҳлантириб, ушбу муддат тугагандан кейин эса уни ишдан бўшатиши мумкин.

Президент Қарори билан эса аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш таққиланди.

Яъни, янги тартибга асосан аёллар ўз хоҳишига кўра 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугагунга қадар ишлашлари мумкин.

4. Судларда адвокат хизмати учун ҳаражатлар давлат томонидан қоплаб берилади.

Юқоридаги Қарорга кўра, эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда қўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилди.

Мазкур ўзгаришлар 2019 йил 1 майдан амалга киритилади.

5. Хотин-қизлар тадбиркорлик фаолияти учун янги имкониятлар очиб берилади.

Қарор билан нодавлат нотижорат ташкилоти мақомига эга бўлган "Хо-

тин-қизлар тадбиркорлик марказлари" ташкил этилиши белгиланди.

Ушбу марказлар хотин-қизларнинг тадбиркорлик, хунармандчилик фаолиятини, хусусан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади. Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан шакллантирилган рўйхат асосида махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилади.

Аёллар тадбиркорлигини нафақат ҳуқуқий ва услубий, балки молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилади. Хотин-қизлар кўмитаси томонидан шакллантирилган рўйхат бўйича аёлларга имтиёзли кредитлар (3 йилдан кўп бўлмаган муддатга, 8 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 6 фоиз ставкада) берилади.

Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тиждорат банкларига ҳар йили ажратиладиган 100 миллиард сўм ресурслар маблағларининг камида 50 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган хотин-қизларнинг бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади.

6. Гендер тенглиги масаласига эътибор кучайтирилади.

Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймашлик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўмагида Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тuzилди.

Маълумки, ўтган йили Президентимизнинг "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори имзоланган эди. Унда оилавий-маиший зўравонликка жазо муқаррарлиги таъминланиши, ваколатли органларга оилавий зўравонлик ҳақида келиб тушган ҳар қандай мурожаатлар "синчиклаб ўрганилиши ва айбдорларга, албатта, жазо берилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Энди "Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида" ҳамда "Хотин-қизларнинг таълим ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ишлаб чиқилиши белгилаб қўйилди. Булар аёллар учун гамзўрликни кучайтириш, уларнинг шаъни, кадр-қиммати ва турмуш хавфсизлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг давоми сифатида қабул қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлардир.

Мақсад, аввало, аёлларимизнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, оилада, хусусан, фарзанд тарбиясида эркаклар ролини ошириш, шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро имиджига муҳим таъсир кўрсатувчи гендер тенглик масаласида илгор ижобий ўзгаришларни амалга оширишдан иборатдир. Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида қабул қилинган ушбу муҳим ҳужжат юртимиз аёллари учун мамлакатимиз раҳбари томонидан аjoyиб байрам совғаси бўлганини эса алоҳида таъкидлаш лозим.

Фурқат ТОЖИЕВ,

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари,

Шаҳноза ТУРАХУЖАЕВА,

Адлия вазирлиги бош

маслаҳатчиси



ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ НИМА?

БУ ҲАҚДА БИЗ НИМАЛАРНИ
БИЛАМИЗ?

ЎЗБЕКИСТОНДА НИМА УЧУН ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 19 февралдаги "Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Айтиш жоизки, аини дамда мамлакатимизда иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш, фонд бозорини ривожлантириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, фалол инвестиция сиёсатини олиб боришда муҳим қадамлар қўйилапти. Шу пайтгача ушбу соҳада бир давлат органи доирасида давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш функцияларининг жамланиши оқибатида бир қатор муаммолар тўпналиб қолган ва давлат активларини бошқариш соҳасида, капитал бозорида ҳамда монополияга қарши курашиш органи фаолиятида аниқ, алоҳида йўналишни белгилаш имкони йўқ эди. Шу сабабли бундан бир оз аввал январь ойида "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинган эди. Хўш, бундан кейин қандай ўзгаришлар бўлди? Ушбу Фармондан кўзланган мақсад нима эди? Давлат мулки объектларини тадбиркорларга бериш ёки сотиш тартиби ҳозирги кунда қандай ҳолатда?

Бу ҳақда Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўз мулоҳазаларини билдирди...

Зоҳид БОБОБЕКОВ,

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат қорхоналари ва улушлари ҳисобини юришти бошқармаси бошлиғи:

— Илгари Монополияга қарши курашиш кўмитаси билан Давлат мулк кўмитаси функцияларининг ўзаро кесилимайдиган ҳолатлари жуда кўп эди. Давлат мулкни сотишда тўғридан-тўғри музокара ўтказиб бериш имконияти мавжуд бўлган ҳолатларда монополияга қарши курашиш органи эса рақобат муҳитини яратиш, объектни оммавий равишда сотиш тарафдори бўларди. Бу икита йўналишнинг битта оғанда бўлиши ўз-ўзиндан тўғри келмайдиган ҳолат эди. Шу нуқтаи назардан Давлат активларини бошқариш, Монополияга қарши курашиш ва Капитал бозорини ривожлантириш бўйича учта кўмита ташкил қилиш заруратга айланди. Президентимизнинг мазкур Фармони қабул қилинишидан кўзланган мақсад ҳам бу уч орган фаолиятини аниқ белгилаб олиш ва шу орқали мамлакатда соғлом рақобат муҳитини яратиш, давлат мулки объектларини сотиш тартибини соддалаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, бўш ётган объектлардан тадбиркорларни жалб этган ҳолда имкон қадар тўғри ва самарали фойдаланиш бўлди. Масалан, ўзим ишлаётган бошқарма фаолиятдан келиб чиқадиган бўлса шу вақтгача бизда давлат активларини ҳисобга олиш масаласи тўғри йўлга қўйилмаган эди. Эндилликда, давлат активларини ҳисобга олиш ва хусусий мулкка бериш масалалари ҳам Фармон билан очик-ойдин белгилаб берилди.

Дастлаб эксперимент тариқасида Президентимиз топшириғи билан Тошкент вилоятида ўтган 2018 йилнинг март ойида давлат мулки объектларини электрон, яъни E-IJRO AUKSION орқали сотиш механизми жорий этилди. Шундан сўнг бу механизм анча самарали эканлиги исботланди. Бу давлат мулки объектларининг ошқора олинishi, ҳеч қанақа

инсон омиллари иштирок этмаслиги, коррупцион ҳолатларга барҳам берадиган йўл эди. Яъни, хоҳлаган шахс хоҳ уйда бўлсин, хоҳ ишда интернет тармоғи орқали электрон савдоларда бевосита объект билан танишиши, савдони кузатиши, унда иштирок этиши ва керак бўлса, электрон савдо орқали ўша объектни сотиб олиши мумкин бўлади. Бунда савдолар мутлақо адолатли бўлади, ҳеч қандай инсон омилли иштирок этмайди ва коррупцион ҳолат вужудга келишининг имкони ҳам йўқ. 2018 йил 11 октябрда Президентимизнинг яна бир Фармони билан давлат мулки объектларини сотиш тартиби янада соддалаштирилди. Олдинги тартиб бўйича объектлар баҳолашиб, кейин савдога чиқарилган бўлса, Фармондан кейин энди 1 сўм қийматда бошлангич нархда савдога қўйила бошланди. Бу амалиёт 4 ой давомида ўз мевасини берди. Масалан, 500 га яқин объект савдога чиқарилди, 327 та объект 1 сўм қийматда савдога қўйилган бўлса, буларнинг барчаси ўз эгасини топди. Мазкур объектлар электрон савдолар орқали 12 миллиард сўм қийматда сотилди ва 212 миллиард сўм инвестиция киритиш ва 3694 та иш ўрни яратиш шарти билан тадбиркорларга берилди. Бу ҳам бўлса қисқа муддатда ошқора равишда электрон савдолар ташкил этилгани учун бугун ўз натижасини берапти.

2019 йилнинг 19 февралда Президентимизнинг "Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бу ҳужжатда назарда тутилган тартиблар бутун республика бўйича татбиқ қилинади. Фармонга мувофиқ энди республикамиз бўйлаб давлат мулки объектлари — акциядан ташқари ҳар қандай улуш, кўчмас мулк объектлари фақат E-IJRO AUKSION орқали сотилади. 2019 йил 1 июлдан эътиборан давлат мулкни ижарага бериш механизми ҳам соддалашади. Бутун республика бўйлаб 1 июлдан бошлаб давлат мулки объектлари E-IJRO AUKSION орқали тадбиркорларга ижарага олиш учун тақдир қилинади. Электрон савдолар ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълонлар берилади ва мунтазам ёрилади. Ушбу Фармонда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керак. Олдин Бош прокуратуранинг Мажбурий ижро бюроси қошида бўлган Электрон-онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилди. Бундан буюғига Давлат активларини бошқариш агентлиги тегишли манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда электрон савдо орқали давлат мулки объектларини сотиш, тадбиркорларга енгилликлар яратиш масаласида янада кўпроқ тарғиб-ташвиқот ишларини олиб боради. Мажбурий ижро бюроси ўз-ўзиндан суднинг қарори билан мусодара қилинган мулкларни ундириш ва қарздорлар билан ҳисоб-китоб қилиш ишлари, яъни суд қарори ижросини таъминлаш билан шуғулланади, лекин аукцион орқали давлат мулкни сотиш бу бошқа масала. Биз мазкур Фармон қабул қилинишидан олдин жаҳон таърибасини ҳам ўргандик. Украина, Беларусь, Россия, Қозғистон мамлакатларида ҳам электрон аукцион савдо майдончалари прокуратура ҳузурида эмас, бевосита давлат мулкни бошқариш ваколатига эга бўлган орган ҳузурида ташкил этилган.

"Инсон ва қонун" муҳбири
Мадҳия АВАЗОВА ёзиб олди.

КЕКСАЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛАЁТГАНЛАРГА СТАЖ БОРМИ?

— МЕНИНГ онам биринчи гуруҳ ногирони, деб топилган. Ҳозирги кунда онам тўлиқ парваришга муҳтожлиги сабабли унга синглим қараяпти. Синглимнинг онамни кечаю-кундуз парваришлаётгани меҳнат стажига қирадимми ёки йўқми?

**Сарвара ҲОШИМОВА,
Сирдарё вилояти**



— “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга асосан 1 гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти тури ҳисобланади.

Бунда мазкур меҳнат фаолияти умумий иш стажига камидан 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

1 гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача ногирон болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб туриш вақти:

қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси; ногиронликда бўлганлики тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида белгиланади.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси Пенсия жамғармаси бўлими томонидан:

маҳалладан олинган маълумотлар; қараб турилган шахслардан, шунингдек, уларнинг қўшиларидадан сўраб чиқиш асосида тузилади.

ЎҚИТУВЧИ МЕТАЛЛОЛОМ ЙИҒИБ ЮРСА...



— МАКТАБ ўқитувчиларига 120 килограммдан металл олом йиғиш буюрилмоқда. Мактабдан бизга шундай топшириқ бўлди. Шу тўғрими?

**Камол ШАРИПОВ,
Жиззах вилояти**

— Йўқ, нотўғри. Таълим ва тиббиёт муассасаларига қора металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш вазифаларини қўйиш тақиқланган.

ЯРИМ ТУНДАЯМ ТИНЧЛИК ЙЎҚ... НИМА ҚИЛСАМ БЎЛАДИ?!

— ҚЎШНИМ ярим тунда уйда телевизор овозини баланд қилиб кўриб, бизни дам олишга қўймайди. Эътироз қилсак, ўзимни уйим, хоҳлаган ишимни қиламан, дейди. Бундай ҳолатда фуқароларга жавобгарлик борми ўзи?

**Сардор АЛИМОВ,
Хоразм вилояти**



— Албатта, маъмурий жавобгарлик мавжуд. Тунги вақтда соат 23:00 дан 06:00 гача фуқароларнинг оёқошталлиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни:

баланд овоз билан қўшиқ айтиш;
музыка чалиш;
товуш сигналлари бериш;
хонадонларда, тураржойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, маэниафонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратлардан фойдаланиш;
тураржой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми (67 минг 576 сўм), мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан (67 минг 576 сўм) иккидан бир қисмигача (101 минг 365 сўм) маъмурий жарима солишга сабаб бўлади.

МЕНИНГ МЕРОС ҲУҚУҚЛАРИМ ҚАНДАЙ?



— МЕН яшаб турган уй марҳум отамнинг номида. Уйда онам ва мен оила билан яшаймиз, биз оилада 4 фарзандимиз. Ака-опаларимнинг уй жойлари бор, фарзандлар ўртасида уй масаласида ҳеч қандай низо йўқ. Уй қонуний кимнинг номига расмийлаштирилади? Шу масалада маълумот берсангиз.

**Сарвар АБДИЕВ,
Бухоро вилояти**

— Сиз Фуқаролик кодексига асосан биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирасиз. Мерос очилгандан сўнг нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда нотариуслар бу мулклар мулкдорга тегишлилигини текширади, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мулкни бошқа шахсга ўтказиётганда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ МИКРОКРЕДИТ ОЛИШИ МУМКИН



— БУ йил коллежни битираман. Машиналарни таъмирлайдиган устaxonа очмоқчиман. Шунга кредит ололмоқчи эдим. Мен олишим мумкин бўлган кредит тури ва тартиби ҳақида тушунча берсангиз.

**Асилбек НИЁЗОВ,
Самарқанд шаҳри**

— “Тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун давлат рўйхатидан ўтган, Ўзбекистондаги касб-хунар коллежларида ўқишни якунлаган кундан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган битирувчиларга микрокредитлар берилади.

Микрокредит:

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача; юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда қайтармиш муддатини ўзайтириш ҳуқуқисиз берилади.

Қарз олувчилар микрокредит олиш учун банкка буюртма тақдим этади.

Буюртмага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

бизнес-режа;

қарз олувчининг тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар, (юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно);

қарз олувчига тегишли касб-хунар коллежи дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

тегишли кредит таъминоти турларидан бири (мол-мулк ва қимматли қўғозлар гарови);

банк ёки сугурта ташкилотининг кафолати; учинчи шахс кафилиги; хатарнинг банк фойдасига сугурта қилинганлиги тўғрисидаги сугурта полиси.

Микрокредит ҳисобига сотиб олинган мулк ўз қийматининг 80 фоизи миқдоридан маъмур микрокредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Банк буюртмани олганидан сўнг уч иш куни ичида уни кўриб чиқиши ва микрокредит бериш ёки микрокредит беришни асослантилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Микрокредит рад этилган тақдирда, банк қарз олувчига бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Микрокредит қарз олувчига нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан берилади.

**Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими
Дилмурод РАЖАБОЕВ жавоб берди.**

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

ҚАЧОН, ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?



МАЪЛУМКИ, республика-мизда аҳолини рўйхатга олиш сўнги мартаба 1989 йилда амалга оширилган. Бироқ аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисомий-демографик янгиланишлар натижасида бундан 30 йил олдинги маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотди, деб бемалол айтиш мумкин.

Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси, шунингдек, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш доир комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унга кўра, аҳолини рўйхатга олиш жараёни аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳоли, маълумоти даражаси, яшаш шариоти, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, иқтисомий-иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва ба-тафсил тавсифлаш мақсадида республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар даражасида амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ваколатли орган ҳисобланади. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,

Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан 2019 йил 1 июлга қадар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсадлари, тартиби, даври ва муддатлари, илғор хориж амалиётида қабул қилинган замонавий технология ва услубийлар асосида аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг иштироки, уларнинг вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлигини кўрсатиш, бу жараёнда жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг иштироки, улар меҳнатига ҳақ тўлашининг аниқ механизмлари ва манбаларини белгилаш, аҳолини рўйхатга олиш якуний натижаларини амалга ошириш учун ташкилий-амалий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқиладди. Шунингдек, Давлат статистика кўмитаси 2022 йил 1 сентябрга қадар аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари бўйича ўз ходимларини, Қорақал-

поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий статистика бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)лар статистика бўлимлари ходимларини, 2022 йил 1 ноябрга қадар эса бошқа тизимлардан аҳолини рўйхатга олишга жалб этилган ходимларни ўқитишни ташкил қилади. Умуман олганда, кўми-та бу борада БМТнинг аҳолишу-нослик жамғармаси билан кенг кўламда ҳамкорлик қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, аҳолини рўйхатга олиш 3 йилга яқин вақт талаб қиладиган тайёргарлик, 10 кундан 60 кунгача бўлган даврда бевосита аҳолини рўйхатга олиш ҳамда 2 йилдан 3 йилгача муддатни ўз ичига олувчи қўйишга олишнинг бирламчи натижаларини жамлаш, кодлаш, таҳрирлаш ва эълон қилиш, тарқатиш каби 3 босқичдан иборат бўлади. Жумладан, дастлабки тайёргарлик жараёнида Давлат статистика кўмитаси мутахассислари хорижий мамлакатлар ва МДҲ давлатларида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича тажрибаларни ўрганиб қайтади. Чунки жорий йилда Озарбайжон, Беларусь ва Қозғоғистонда, 2020 йилда эса Қирғизистон, Арманистон, Россия, Тожикистон ва Украинада аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини рўйхатга олиш Ўзбекистоннинг янги, мукамал кадастр хартисаи ёки республикамизнинг ҳар бир вилояти, туман ва шаҳари, маҳалласи-ю кўчаси, ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларга тааллуқли бўлган барча маълумотларни ўзида акс эттирган ягона ахборот базаси яратилишини таъминлайди.

Иброҳим ТУРҒУНОВ,
Фаргона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

ФУҚАРО МУРОЖААТИГА БЕПИСАНДИК ЖАВОБГАРЛИККА САБАБ БЎЛАДИ

МАЪЛУМКИ, Президентимиз томонидан кўп-лаб соҳалардаги бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш ва халқимизга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари Агентлиги ва унинг тизимида Давлат хизматлари марказлари ташкил этилди.

Бу эса, ўз навбатида, давлат органларининг халқ билан мулоқотини янги босқичга олиб чиқди. Ушбу марказлар фаолиятлари мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш бора-сида ўзини тўлиқ оқлаган иқтисомий институтга айланди.

Айни пайтда, Агентликнинг Наманган вилоят бошқармаси ҳамда унинг тизимидаги туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари томонидан ҳам аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг муурожаатларини кўриб чиқишга жиддий ёндашиб келинмоқда.

Масалан, Наманган вилояти Поп туманида яшовчи фуқаро А.Хожихонов 2018 йилнинг 24 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхонаси”га муурожаат қилган. Унда ўзбошимчилик билан қурилган иморатта нисбатан мулк ҳуқуқи берилмаётганлигиндан норози эканлиги билдирилган.

Мазкур муурожаатни ўрганиш жараёнида “Ермулккадастр” ДК Поп туман филиали масъул ходими томонидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда муддатни бузганлиги ҳолати аниқланди. Шу босис, қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган масъул ходимга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Худди шунингдек, Учқўрғон туманида яшовчи фуқаро М.Арифбаев ҳам “Халқ қабулхонаси”га ўзбошимчилик билан қурилган иморатта нисбатан мулк ҳуқуқи берилмаётганлиги юзасидан муурожаат қилган.

Бошқарма томонидан ушбу муурожаат ўрганилганда Учқўрғон туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими муурожаатни асосис равишда рад этишга йўл қўйилганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан айбдор шахсга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, муурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида бу каби масалалар ихобий ҳал этилиши таъминлаб берилмоқда. Чунки мақсадимиз давлат хизматларини кўрсатиш бора-сида йўл қўйилган қонунбузилишлар учун жазо қўллаш эмас, балки давлат хизматларини кўрсатишда давлат идораларининг халқимиз олдида масъулиятини оширишдир.

Дилноза ЗОКИРОВА,
Давлат хизматлари Агентлиги Наманган вилоят бошқармаси масъул ходими

ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ НИКОҲ БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?

ПАЙҒАМБАРИМИЗ Муҳаммад соллалоху алайҳи васаллам ўз Ҳадиси шарифларида кимлар ўртасида никоҳ жоиз бўлмаслигини баён этганлар: “Ҳеч бир аёл ўз аммаси, холаси, ака-укаларининг қизлари, опа-сингилларининг қизлари устига никоҳланмасин. Агар никоҳлансалар, қариндошлар ўртасидаги силаи раҳмини (қариндошлик риштасини), узган бўладилар” (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Яна “Яқин қариндош бўлган аёлга уйланмангиз, чунки бола заиф, дардман бўлади”, дея хатарли дардлардан биз умматларини огоҳ этганлар.

Ривоят қилишларича, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳам келин танлашда қизнинг етти пуштини суриштирар экан. Бунда, албатта, Сароймулкхоним Соҳибқирон Амир Темур наслининг давомчилари ҳақида қайғурганини эътиборга олиш лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида “Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаси бўлиб ўтди. Куни кеча 9 мартда ушбу муҳокамалар якунланди. Лойиҳа муҳокамаси жараёнида бу ҳужжат қанчалик биз учун муҳим, аслида бизга керакми, деган ёндашувларга ҳар ким турлича фикрларни илгари сурган. Айримлар бунини тўлиқ қўллаб-қувватлайман деса, бошқалари бу муаммони Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳал қилсин, деган таклифни билдирган. Қарши тараф эса ногирон фарзандларнинг дунёга келишига фақат яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг алоқаси йўқ, ҳамма гап

тиббий қўриқда. Агар улар қўриқдан халис тарзда ўтишса, бундай муаммо юзага келмайди, деган таклифни ҳам беришган.

МДҲ мамлакатларининг орасида Тожикистон Республикасида 2016 йил 1 июлдан яқин қариндошлар ўртасида тузиладиган никоҳни қатъий ман қилишга доир қонун кучга кирган. Бунга сабаб 2015 йилда мамлакатда 30 минг нафар ногирон бола рўйхатга олинган, уларнинг аксарияти яқин қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ асосида дунёга келган. Ҳатто, АҚШнинг Юта штатида ҳам қариндошлар ўртасидаги никоҳ келин-куёвнинг ёши 55 ёшдан юқори, фарзанд кўриш имконияти бўлмаса, рухсат этилади. Бу қонуннинг қабул қилинишига қариндошлар ўртасидаги никоҳдан ногирон болалар туғилишининг олдини олиш ва иқтисодий омиллар сабаб бўлган.

Муҳокама жараёни давом этмоқда. Биз эса айрим юрtdошларимиз фикри билан қиздик:

Дилором ХОДИЕВА,

Уй бекаси:

— Мен ҳоламга келин бўлганман. Турмуш ўртоғим билан аҳил яшашамиз. Авваллари қариндош-уруғ турмуш курси ногирон фарзанд туғилади, деб эшитар эдим. Худода шукр, уч нафар фарзандим соғлом дунёга келди. Аммо катта қизимни узатгач, олдин эшитган фикрларим ўз тасдиғини топиб, набирам ногирон туғилди. Мен юқоридagi диний ва тиббий манбаларда берилган қариндошлар ўртасидаги никоҳ нотўғри эканлигини ўз ҳаётим тажрибамда кўрдим.

Ҳозир қизимнинг турмуши бузилиб, уйга қайтиб келди. Ачинарлиси, ҳолам билан юзкўрмас бўлиб ўтирибман.

Дурдона РАҲМОНОВА,

Уй бекаси:

— Мен амажмининг ўлига турмушга чиққанман. Худода шукр оилам тинч, фарзандларим соғлом, янги келин бўлиб тушган кунидан менга бу ерда беғонадай қарашмади. Чунки доим келиб турган жойим эди. Аммо биринчи фарзандим туғилгунча қайнонам жуда хавотир олдилар. Икки нафар фарзандим бор. Қариндошларимиз орасида кўпчилик опа-ука, ака-сингил куданда бўлишган. Лекин оилавий шифокорлар “Нега яқин қариндошга турмушга чиққансан”, деган савол билан кўп муурожаат қилишди. Бундай ҳолат наслингизга таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикр-ни билдиришди. Мен бу ҳақда ҳар сафар эшитганимда кўнглимда хавотир ва ҳадик уйғонади.

Мавжуда ДАЛИМОВА,

Олмазор тумани, 21-оилавий шифохона гинекологига:

— Афсуски, ўзаро яқин қариндош эр-хотин соғлом бўлиши мумкин, аммо уларнинг наслида ирсий касалликлар учраш хавфи юқори бўлади. Чунки гўдакча генининг ярами онадан, ярами эса отадан ўтади. Дунё олимларининг қузатувлари шуни кўрсатаяптики, буғунги кунда ирсий муаммоларнинг 80 фоизи қариндошларнинг ўзаро никоҳи ва экологик муаммолар сабаб бўлмоқда. Шунингдек, яқин қариндошлар орасидаги никоҳ наслий ва туғма касалликлар хавфини кўпайтириши мумкин бўлган энг асосий омиллардан бири бўлиб, яқин қариндош-уруғларнинг оила қуриши туғма нуқсонли болаларнинг туғилишига, ҳомиллани бевақт нобуд бўлишига ёки ўлик туғилишига оғ...5 келади.

Баъзилар “фалончи ҳақ қариндош-ку, мана фарзандлари соппа-соғ туғилган”, деган фикр билан қариндош-уруғлар никоҳига қаршилиқ қилмайдди. Аммо кўп ҳолларда ирсий касалликлар фақат туғилган пайтдагина намоён бўлавермайди. Улар турли ёшда кузатилиши мумкин. Масалан, 35 ёш ва ундан кейин ҳам юзага чиқади. Бундай касалликлар кейинчалик невараларда, яъни яқин қариндошлик никоҳи тавсия этилмайди. Шу сабабли фарзандларнинг соғ-саломат дунёга келиши ва баркамол вояга етиши учун бундай никоҳларнинг олдини олиш лозим.

Дилором ТУҲТАҲҲАЕВА,

“Ҳуснобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Аксарият одамлар “Қўйнимдан тўкилса, қўнжимга”, “Унғ қўйимдан берганимни чап қўйим билмасин”, “Уй-жойим беғонага қолмасин” қабилида опа-сингиллар куданда бўлишди. Охир-оқибат, эр-хотин ўртасидаги никоҳ сабаб опа-сингил, ака-ука ўртасидаги қариндошлик ришталари узилиб, юзкўрмаслик даражасига ҳам бориб етади. Кўп ҳолларда ўзимиз қузатганимиз фарзандлари ногирон туғилди ёки фарзанд кўрмасдан ажрашиб кетаётганлари ҳам талайгина. Бунинг олдини олиш учун “Қариндошга қиз берманг”, “Соғлом насл соғлом келақач” мавзуларига ота-оналар ва ёшлар ўртасида мунизама тарғибот тадбирлари уюштириб борамиз. Албатта, буғунги кун фуқаролари бунга жиддий ёндашиб, оила мустаҳкамлигига аҳамият беришмоқда.

Мадина ҲАМДАМОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



ТУЗИНИ ЕДИЮ ТУЗЛУФИГА ТУПУРДИ...

— МАСТ эдим. Уловни олиб қочиш ниятим йўқ эди, — деди судланувчи Қодир Хасанов (исм-шарифлар ўзгартирилган) суддан айбини енгиллаштиришларини сўраркан. — Мастлигим сабаб ўзимни бошқара олмай уловни хайдаб, Самарқандга кетиб қолдим, уч-тўрт соатлардан кейин яна Тошкентга қайтдим. Тўғриси, уловда ҳеч қандай ҳужжатлар йўқ эди...

...Жамиятда ҳожатбарор кишиларнинг борлиги яхши. Бу ортиқча сансалорликлару мушкулотларнинг олдини олиб, кимнингдир ҳаётини тўқис этади. Аммо кимнингдир мушкултини осон этсангу

эвазига телба-тескари ажр олсанг қизиқ бўларкан. Мурод ҳам шундай аҳволда қолди. Ҳаммаси бундай бўлди.

Мурод бир неча кун илгари Қодирни ўзининг новвойхонасига ишга олганди. Ишсизни иш билан банд этиш савобли ҳам хайрли тадбир. Мурод-да шунга ўйлаган бўлса ажабмас. "Ишчи"нинг кейинги номақбулчилигини туш қўриб-дими?! Хулласи, аввалбошда ҳаммаси жойида эди. Кунларнинг бирида Мурод Андижонга кетадиган бўлди. Шахсий уловининг калитини бор ҳужжатлари билан ўртоғи Улмасга қолдирди. Ўзи водийга жўнади. Бу вазиятдан эса

"ишчи-новвой" — Қодир ўз манфати йўлида фойдаланиб қолишга уринди. Муроднинг тузини едию тузлуғига тупурди. Уловни олиб, қочиб қолди. Орада вақт ўтди ҳамки, на уловдан, на Қодирдан дарак бўлди. Улмаснинг шубҳаси ортиб, водийга — Муродга хабар қилди. — Қодир уловни хайдаб кетиб ҳалигача қайтмади.

Ишнинг оғир кўчаётганлиги ойдинлашди. Орага ИИБ ходимлари аралашди-ю улов соз ҳолатда топилди. Аммо улов ҳужжатлари, ҳайдовчилик гувоҳномалари "изсиз йўқолган". Қодирнинг ҳужжатларини йўқ қилмаганлиги ҳақидаги ваз-карсонлари суд томонидан "уйдирма", деб топилди. Мурод "ишчи-новвой"га — Қодирга моддий даъвоси йўқ эканлигини билдирди. Шунчаки, унга қонуний жазо берилишини сўради. Қонун ўз кучини кўрсатди. "Ишчи-новвой" — Қодир бир неча йилга озодликдан маҳрум этилди...

Ёқутхон ХАЙДАРОВА,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман
суди раиси

"Ортиқча буюм"ларга ХАРИДОР топилди...

ҚОНУНГА хилоф иш ҳар қандай вазиятда жиноят бўлиб қолаверади. Хоҳ онгли бўлсин, хоҳ онгсиз — бу йўлнинг охири муқаррар жазо. Аксар ҳолларда айрим кимсаларнинг "нафс қутқуси"га йўлиқиб қолаётгани ортида бундай хунук вазиятлар келиб чиқмоқда...



Идорада гап тарқади: "Ўзбектелеком"дан текширувчилар келармиш!

Бу пайтгача Шоқосим (исм-шарифлар ўзгартирилган) "Ўзбектелеком"га қарашли идорада маъсул лавозимда фаолият юритаётганди. "Оқоридан" текширувчилар келаётганини эшитди-ю идора оմборида тозалаш ишларини ўтказишга киришди. Шу мақсадда Алишер исмили ҳамкасбига махсус ишчи бригада ёллашни тайин этди. Оմборда тозалаш ишлари бошланди. Мақсад атроф тоза-озода бўлсин, келгучи текширувчининг топар камчилик-қусури бўлмасин. Оմборхонада иш битди-ю идорага тегишли мавжуд алоқа воситаларидан бир қисми "ортиқча"лиги аёнлашди. Шоқосим "муаммо"нинг ечимини пайсалламади. Қўл остида ишловчи Ўткирдан илтимос қилди: — Текширув тугагунча "ортиқча буюм"лар сизнинг уйингизда турса... Текширув ўтгач жойига қайтарамиз!

Ўткир ҳам Шоқосимнинг илтимосини ерда қолдирмайдиган бўлди. Буюмларни ўз уйига элтди. Гап-сўзнинг кети узилдию идорага оқоридан текширувчилар келмади. Ўткирнинг уйига элтилган буюмлар ҳам жойига қайтарилмади. Орада "ортиқча буюм"ларга "харидор" чиқиб қолди. Аввалбошда, Шоқосим харидорга ризолик билдирмади-ю ҳам "харидор"нинг "ортиқча буюм"ларга мўмайгина ҳақ тўлашини эшитиб йийди. Ўткирга хабар қилди:

— Уйингизга бир киши боради. Буюмларни ўша одамга бериб юборасиз...

Жиноятнинг "ҳиди" тез тарқади... "Харидор" Ўткирнинг уйдан идорага тегишли буюмларни олиб чиқиб кетар маҳали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди. Билиб-билмай қилинган ҳаракатнинг оқибати Шоқосимга қимматга тушди. Ўзининг хизмат вазифасидан озод этилди-ю, етмаганига, жаримага тортилди. Нафснинг измига ўрлашнинг охири шу бўлди.

Марат ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти Чилонзор туман
бўлими бошлиғи ўринбосари

ҚИМОРБЎЗ ОШНАЛАР

КЕЧ тушиб қолган, айни палла қишлоқ кўчасида икки нафар ИИБ ходими одимини жадаллатганча, гурунглашиб боришарди...

Бугун Муродбой (исм-шарифлар ўзгартирилган) жой тўйи ўтказди. Байрам-базм ўрнида. Ошналар Жуманиёз, яқинда Россия Федерациясидан келган Матназар, Шербек ва Қурбонлар ҳам шу ерда эди. Ҳаммалари ичкиликнинг забтига учраган, бошлари қизиганди. Бир дам Жуманиёз уйига қайтиш баҳонасида ташқари чиқди. Унинг ортидан қолган таниш ёр-осналар эргашди.

— Россиядан келганимиздан бери меҳмонга чақирмадинг, Жуманиёз, — деб гина қилиб қолди Матназар. — Кўп нарса сўрамаймиз...

— Уйимнинг тўри сенки, — деди Жуманиёз паст тушишга унамай. — Борсанг меҳмон қиламан.

Гап шу бўлди. Жуманиёз уйига жўнади. Қолганларнинг "боши гангиб" мезбон — Муродбойниқанда қолди. Орада Жуманиёзнинг меҳмонга чорлови Матназарнинг ёдига тушиб қолди, шекилли, қаватига Шербекни олиб Жуманиёзникига жўнадилар. Хулласи зиёфатнинг давоми ўша ерда давом этадиган бўлди. Меҳмонновозлик-йигининг авжиде Қурбон чўнтағи-



дан қарта чиқариб қолди. Ҳаммани "ўйинга" чорлади. — Қани, бу ёнига "бир қўл"дан ташлаймиз...

...Қингир йўлнинг охири лой. Қартабоз ошналар бундай қўр солиб қимор ўйнаб турганларига уйга ИИБ ходимлари келиб қолди. Жуманиёзнинг кайфи учди. Жазо тайин. Унга каттагина жарима солинди.

Олимбой МАШАРИПОВ,
жиноят ишлари бўйича
Хива шаҳар суди судьяси



ФАРЗАНДЛАРИГА ИБРАТ БЎЛОЛМАГАН ОТА

ГИЁҲВАНДЛИККА қарши курашишнинг барча чоралари қўрилайётганлигига қарамасдан бу турдаги жиноятлар турли кўринишларда ҳар хил ёш ва тоифадаги фуқаролар томонидан ҳамон содир этилмоқда.

Нодир Раҳимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам гиёҳвандлик воситалари билан муомала қилиш ва ўтказиш қонунга хилоф эканлигини била туриб, ана шундай жиноятга қўл урган кимсалардан. У тўрт фарзанднинг отаси. Эндигина қирқ

ёшга кирган бу шахс кейинги 6 йил ичида суднинг қора курсисига уч марта ўтиришга ҳам улгурди. У учинчи бор қўлга тушиб қўлларига кишан солинганда, муқаддам қилган жиноятлари учун тавба қилмаганидан афсусланди.

Н.Раҳимов илк марта қилган жинояти учун жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлангани, бу жазо муддати тугар-тугамасдан, иккинчи бор жиноят

ишлари бўйича Конимех тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-модда, 2-қисми билан айблаб чиқарилган жиноят иши амнистия актига асосан тугатилганлиги, унга давлатимиз томонидан инсонпарварлик, бағрикентлик қилганини эслаб, ношукурликдан виждони қийналди. Далилий ашёлар билан уйдан олиб кетилаётганида, борида шукр қилиб яшаётгани норасида фарзандларининг синиқ руҳий ҳолати кўз ўнгидан

ўтди. Уларга ибрат бўла олмаганидан боши эгилди, юзи қора бўлди.

...Ёзнинг иссиқ бир кунинда ҳайдовчи Н.Раҳимов Зарафшон дарёсига чўмилиш учун бориб, қайтишда дарё бўйидаги дала-ҳовлилар ёнида бир туп гиёҳвандлик воситалари туркумига кирадиган ўсимликни кўриб қолди. Унинг баргларини дарҳол қўлиб олиб, не бир хаёллар билан уйининг орқа томонида жойлашган тош тагига яширгач кўнгли бироз тинчиди, сўнгра ўз ишлари билан машғул бўлиб юрди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, кутилмаганда Собир исмили таниши унга кўнгиноқ қилиб, поликлиника ёнига тақлиф этди. Учрашув чоғида Собир ундан гиёҳвандлик моддаси топиб беришни илтимос қилди. Анчадан бери яхши танишлиги ва олди-бердиси борлиги учун яшириб қўйилган шу захриқотилни ҳеч шубҳаланмасдан Собирга сотаётганида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўл-

га олинди. 1,91 грамм гиёҳвандлик моддаси учун ўз номига доғ туширган, пешонасига учинчи бор судланган, деган тамгани босган бу йигит оиланинг ёлғиз боқувчиси эди. Маҳаллада улар кам таъминланган ижтимоий муҳофазага муҳтож оила сифатида рўйхатда туради. Шу боис маҳалла яна бир бор бу оиллага марҳамат кўрсатди. Боқувчиси қолаётган оила фарзандларининг тақдирини ўйлади. Энди улғайиб, вояга етаётган ўғил-қизларнинг орзуларига оғу томиб, заҳарланмасин, тўғри йўл қолиб, эгри йўлга кириб кетмасин, дея Н.Раҳимовни ўз кафилигига олиб, суд залидан озод қилишни сўради. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди мазкур жиноят иши юзасидан одилона ҳукм чиқарди. Н.Раҳимовга беш йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди. У суд залидан озод қилинди.

Маруся ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири



Питер ЛАВСИ

ҚОТИЛИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗГА ҚАЙТАРДИМ

(ҳикоя)

ЖАНОБ Френсис Баттерига тегишли китоб дўконининг ичкари хонасидаги жавонда турган ҳайкалчани томоша қилган Эбернон хоним ҳайкалча остидаги ёзувни ўқигач сўради:

— Уильям Кордер ким?
— Ўтмишдаги машҳур қотил.
— Қандай даҳшат! Наҳотки жиноятчининг сопол ҳайкалчасини сотиб оладиган одам бўлса! Еноқларидидаги қўполлик билан суртилган буюқларни қаранг! Унинг ким эканлиги тушунарми.

Баттери ўттиз тўртта кирган, бўйдоқ, жиддий эркак эди. У аёллар билан муносабат ҳақида жуда кўп нарсани биларди.

— Стаффордшир ҳайкалчалари, — гапиради туриб олди у, — бизга аждодларимиз нималар билан шуғулланишганини эслаб туради.

— Қотиллик билан, — Эбернон хонимнинг кулгуси жаранглади. — Хўш, жаноб Кордер Сизнинг жавонингиздан жой олиш учун қандай қаромат кўрсатган?

— О, у ярама одам бўлган. Бу воқеа 1827 йилда Саффолк графлигидаги қишлоққа ош берган. У йигирма бир ёшида Мария исмли бир қизнинг бошини айлантиради. Кейин уни қишлоқ четигадаги оморда ўлдиради. Кордер икки кундан кейин қишлоқдагиларга Мария Ипсвичда яшаётганлигини айтади. Кейин эса ўзи ҳам ўша ёққа кетади. Бир кун қизнинг онаси тушида қизнинг ўлдирилгани ва оморхонага кўмиб қўйилганини кўрганини айтади. Ростдан ҳам қизнинг жасдини оморхонадан топишди. Кордер ҳибсга олинган ва осиб ўлдирилди.

— А, ҳайкалчангиз неча пул туради?
— Кордернинг ҳайкалчасими? Билмадим. Бир неча фунт турса керак...

Эртасига Эбернон хоним яна жаноб Баттерининг дўконига келди.

— Сиз менга миннатдорчилик билдиришингиз шумир. Сўраб-суриштрим: стаффордшир ҳайкалчалари коллекционерлар тўплайдиган ҳайкалчалар сирасига кираркан. Кордер ноёб ҳайкалча! Дунё бўйича бу ҳайкалча бор-йўғи бир неча нусхада экан. Лондон кимошди савдосида минг фунтга баҳолашни мумкин.

— Бунга ишончингиз комилми, Эбернон хоним? Бу маълумотингиз учун Сиздан қарздорман. Агар минг фунтга бойинсам, Сизга миннатдорчилик билдиришингиз йўлини топанман.

Баттери чоршанба куни ёрдамчиси Жеймсга дўконга қараб туришни тайинлади, ўзи эса эрталаб туриб Кордер ҳайкалчасини поябзал қутисига жойлади ва Лондонга йўл олди... У ерда кути ичидан ҳайкалчани олганда ҳаяжонланганидан мутахассиснинг нафаси чиқмай қолди. Бу у кўрган илк Уильям Кордер ҳайкалчаси эди.

— Неҳа пул таклиф қиласиз?
— Бугун бунни саккиз юз фунтга сотишим мумкин, аммо кимошди савдосида қимматроққа сотса бўлади, — деди Бат-

тери.
Беш ҳафтадан кейин Кордер кимошди савдосига қўйилишини маълум қилди...

Икки кундан сўнг Эбернон хоним яна дўконда пайдо бўлди ва янгиликни эшитди. Баттери Лондондан қайтаётиб тайёрлаб қўйган таклифини айтди:

— Келаси чоршанба куни Сизни мен билан бирга тушлик қилишга таклиф этаман.

Эбернон хоним қошларини чимирди.
— Эҳ, афсус! Ун олтинчи куни мен Францияга кетаётим.

— У ерда қанча бўласиз? — Баттери умидсизлигини яширолмади. — Эрингиз Сиз билан борадими?

— Бир ойча. Биз доим алоҳида-алоҳида дам оламиз...

— Францияда учрашимиз ва галабамизни ўша ерда нишонлашни тасаввур қилаясизми? Аёл худди овозсиз кино юлдусидек ҳайратини ифодалади:

— Аммо дўконингиз-чи? — Жеймс қараб туради. Келинг, ҳозирок учрашув белгилаймиз. Ун саккизинчи май куни туш пайтида Орлеандаги черков олдида учрашамиз. Уильям Кордер шарафига қадаҳ кўтариш учун. У қизни ўша куни ўлдирган.

Эбернон хоним жипмайди.
— Сиз ва Сизнинг қотилинги! — У бир оз ўйлангач, жавоб қилди. — Яхши. Ун саккизинчи майда. Агарда ҳайкалчангиз сотилса...

— Савдо қандай бўлишдан қатъи назар, мен ўша ерда бўламан!

Ҳафтала Баттери учун чидаб бўлмас даражада секин ўтарди. У аллақачон паромга чипта ва сайёҳлик чекларига бююртма бериб қўйганди. Бир неча йилдан буён биринчи марта бир нечта янги қўйлак, бўйинбоғ, кўк нимча ва бир жуфт оппоқ шим сотиб олди. Ун бешинчи май куни Баттери унга сирли висол оқшомини тақдим этувчи кимошди савдосига етиб келди. У бундай имконият ҳақида бир умр орзу қилган, аммо топил-тутиши бунга йўл қўймади. Аёл ўта бой ва аслзода хоним бўлиб, уни энг қиммат вино ва таомлар билан меҳмон қилиш лозим эди.

— Хўш, икки юз саксон еттинчи буюм. Машҳур жиноятчи Уильям Кордернинг стаффордшир ҳайкалчаси. Минг фунт! Бир минг икки юз эллик. Қим ошадми? "Хадсон ва Блек" компаниясига сотилди.

Жаноб Баттери тасаввур қилди: меҳмонхона ётоғи, қўлида шампанли қадаҳ... Уч кундан сўнг кўк нимча ва оппоқ шим кийиб олган Баттери келишилган жойда турарди. Пуштиранг қўйлак ва сомон шляпали Эбернон хоним йигирма дақиқадан кейин келди. Баттери унга саҳарлаб сотиб олган гулини узатди.

— Ажойиб! — деди аёл.
— Азизам, Сиз бекиёсиз! Сиздан миннатдорман. Кордер сотилди...

Тушлик узоққа чўзилди. У шампан буюрди, таомлар ҳам тансиқ эди. Уч

соатлардан кейин улар ширакайф ҳолда кўчага чиқишди. Баттери соҳил бўлаб сайр қилишни таклиф этди. Улар йўлда чой салонига кириб, лимонли чой ичишди. Аста-секин қуёш бота бошлади.

— Ажойиб кун бўлди, — деди Эбернон хоним.

— Ҳали туггани йўқ. Сизни кечки овқатга таклиф қиламан.

— Мен эрта ётишга одатланганман. Ўзингиз ҳам тезда бирорта меҳмонхонага жойлашинг.

Баттери асабий кулди: афтидан, аёл осонликча қўлга киритиладиган ўлжага ўхшайди.

— Мен ўйловдимки... — у вазиятни қўлдан бой берганини ҳис қилди. — Қатъиятлроқ бўлиш керак эди. Бу аёлга у нимани хоҳлаётганини биладиган ва ташаббусни ўз қўлига оладиган эркак керак.

Аёл таксига ўтираркан, ширин табасум қилди:

— Эртага туш пайти черков олдида гўтаман. Хайрли тун.

Баттери такси эшигини ёпди ва ҳоргин қадам ташлади.

Эртасига эса Баттери учрашувга белгиланганидан беш дақиқа кеч келди. Аёл уни кутиб турарди.

— Бугун янада ажойиб жойга борамиз. Улар жазоирликлар ресторанига боришди. Соат учларда Эбернон хоним безовталана бошлади:

— Ҳаммаси ажойиб, аммо кетишим керак. Соат бешга эса массааж ва педикюр белгиланган. Эртага кечки пайт учрашимиз мумкин, — деди Эбернон хоним.

У Баттерини ҳар куни турли баҳоналар билан ташлаб кетарди: гоҳ сартарош, гоҳ тиш оғриғи, гоҳ ноқулай пойабзал. Аёл унинг тунги учрашувга оид барча таклифларини рад этарди. Баттерининг чеклари даҳшатли тезликда тугаб борарди. У темир йўл станцияси ёнидаги камтарона меҳмонхонадан жой олган, аммо оқшомларни ёлғиз ўтказгани учун барда кўп ичиб кўярди. Ниҳоят, тугаётган пуллар ва сўнаётган умидлар уни режа тузишга мажбур қилди. Жума куни улар Орлеаннинг энг яхши балиқ ресторанида ўтиришарди...

...У аёл турган меҳмонхонанинг номини топишга қийналмади. Массааж ва гўзаллик салони хизматларини таклиф этадиган меҳмонхоналар кўп эмас. Баттери қизил атиргуллар гулдастасини сотиб олди ва меҳмонхонасига қайтди. Соат етилларда "Шарлеман" меҳмонхонасига кўнғироқ қилди ва Эбернон хоним билан боғлашларини сўради. Аёл гўшакни олганда у французча талаффуз билан хитоб қилди:

— Ие, инглизмисиз? Бу нечанчи хона ўзи? Кеңирасиз, хоним, адашибман. Икки соатдан сўнг у "Шарлеман" меҳмонхонасига етиб келди ва лифта олтинчи қаватга кўтарилди. Йўлак бум-бўш эди.

У 657-хонани топи ва юзини гулдаста билан тўсангач эшикни тақиллатди. Бир оздан сўнг эшик қия очилди. Баттери эшикни итариб ичкарига кирди. Оқ халат кийган, бошига сочиқ ўраган ва юзига ниҳон чаплаган Эбернон хоним ҳайрат билан гулдастани қўлига олди.

— Жаноб Баттери! Мен ётмоқчи бўлиб турадим.

— Жуда яхши, — Баттери эшикни ёпди.

— Зудлик билан хонамдан чиқиб кетинг! Йўқолинг!

— Бу гапни шунчаки айтасиз-а, азизам? Аспида эса қолишимни истаясиз.

Вақтимизни жуда яхши ўтказдик. Қиммат таомлар... Сизга пулларимни сарфладим.

— Мен сотилмайман, қолаверса, оила аёлман. Мен шунчаки кимдир мен билан кунни ажойиб ўтказишни хоҳлагандим, холос. Сиз хавфсиз бўлганингиз учун мен айнан сизни танлагандим. Ҳар қандай аёл сиз билан бўлиш хавфсиз эканлигини айтиши мумкин.

Ва шу ерда у машҳур хатога йўл қўйди.

— Хавфсиз? Хавфсиз?!
Баттерининг юзи бужмайиб кетди. Унинг мияси лўқиллаб бошлади: бу аёл унинг орзусини ўлдирибди. Энди у ҳеч қачон бирорта аёлга яқинлаша олмайди!

У бу аёлни мана шунинг учун ёмон кўриб кетди. Худди Кордернинг ҳайкалчаси учун олган пулларига еб-ичгани учун ёмон кўргани каби. У индамай аёлнинг томоғига чанг солди...

...Баттери инглиз тупроғига қадам қўйганда ўзини енгил ҳис қилди. Поездда уйига қайтаркан, воқеага полиция нуқтаи назаридан қарашга уринди. Францияда уни қотиллик билан боғлайдиган ҳеч қандай из йўқ эди. Улар фақат тушлик пайти учрашишган ва ҳар сафар турли ресторанларда. Меҳмонхонада қолдирган барча бармоқ изларини артиб ташлаган. Эбернон хоним билан битта шаҳардан эканлиги эса уни айбалайдиган далил бўлмайди. Фақат хотиржамликни сақласа бўлди. Уни перронда политсиячи тўхтатганда эти бир жимирлади.

— Текширув, сер. Таксига пул сарфлаб юрмаслигингиз учун сизни уйингизга ўзимиз олиб бориб кўямиз. Франциядаги қотиллик сабабли шундай ҳаракат қилаемиз. У ерда Милдред Эбернон хоним қўрбон бўлган. Биз унинг уйдан жуда кўп китоб топдик ва эри бу китобларни у сизнинг дўконингиздан олганини айтди. Қайд дафтарингизни кўрсак бўладими?

Баттери ноҳушлик юз беришини ҳис қилди.

Дўкон ёпиладиган вақт бўлса-да, Жеймс хали ҳам шу ерда эди. Баттери у билан бош иргаб саломлашди ва полициячи билан орқадаги хонага қадам ташлади.

— Таътил яхши ўтдим, жаноб Баттери? — қичқирди Жеймс. — Столингизда почта турибди.

Баттери жавондан қайд дафтарини олди ва полициячига узатди. Аммо полициячи дафтарини олмади. Унинг нигоҳи жаноб Баттерининг столи устидаги пойабзал қутисидидаги жўнатмада эди.

— Сизга кимдир совға жўнатганга ўхшайди, жаноб Баттери. Баттери кути ичига қаради ва Кордер ҳайкалчасини кўриб ажабланди. Кути ичида Кордерни кимошди савдосига сотиб олган "Хадсон ва Блек" компаниясидан келган хат бор эди. Полициячи кутидан ташриф ва рақасини олди ва ундаги ёзувни ўқигач, Баттерига узатди:

"Сиз худаям олижановча. Мехрибончиликларимнинг қадрига етмайпти, деб ўйланам. Хавотирга ўрин йўқ, яхшиликларингизни қайтаришга қўрбим етди. Милдред Эбернон".

Мақтуб охирида эса қўйидаги сўнгсўз бор эди: "Қотилингни ўзингизга қайтардим"...

Руст тилидан
Дилшодбек АСҚАРОВ таржимаси.

ЭЪЛОНЛАР

Сервети тумани "Йоғна дарча" маркази томонидан 2016 йил 23 декабрь кунин 02050605-05-сон билан давлат рўйхатдан ўтказилган "SMART LEADING BUSINESS" хусусий корхонаси маълумоти Сервети тумани, Спутник 11-авая, 52-А-ўй (СТПР 304 495 742) талқисининг 2019 йил 16 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чол этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўлиб қилинади.
Тел.: (98) 115-00-04.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 17.01.2019 йилда 669298 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, ГАА-даваси, Фарход қираси, "Фарход дехон бо-зор" АЖ худди маълумида давлат рўйхатидан ўтган "AZIZ NEMAT" хусусий корхонаси (СТПР 306 002 581) ягона талқисининг 2019 йил 27 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чол этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўлиб қилинади.
Тел.: (93) 997-65-62.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 11.02.2019 йилда 684891 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Иза қираси, 219-ўй маълумида давлат рўйхатидан ўтган "КОЛОТКО" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 306 122 468) ягона талқисининг 2019 йил 28 февралдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чол этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўлиб қилинади.
Тел.: (94) 655-03-05.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 01.02.2019 йилда 678061 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "OZIO-OVQAT STANDART KARTOM" 1-блок, 2-кват., 123-ўйон маълумида давлат рўйхатидан ўтган "STAR GOLD GROWN" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 306 075 574) ягона талқисининг 2019 йил 5 мартдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чол этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўлиб қилинади.
Тел.: (94) 625-11-55.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 22.01.2019 йилда 671978 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Узракор маҳалласи, ТХАВ ва БР-Сив канали оралиғидаги "Уракор савдо комплекси" МЖК худудидаги 3-навилон, 83-ўйон маълумида давлат рўйхатидан ўтган "EXCLUSIVE CARAVAN TRADE" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 306 022 474) ягона талқисининг 2019 йил 4 мартдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чол этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўлиб қилинади.
Тел.: (99) 814-09-08.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 05.02.2019 йилда 681259 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 30-авая, 45-ўй, 12-сондон маълумида давлат рўйхатидан ўтган "ANVARION HOLD" хусусий корхонаси (СТПР 306 085 682) ягона талқисининг 2019 йил 4 мартдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чол этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўлиб қилинади.
Тел.: (99) 867-94-74.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Давлат хизматлари марказида 15.03.2018 йилда 590745 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 26-авая, 7-ўй, 12-сондон маълумида давлат рўйхатидан ўтган "INSTANT TRADING" хусусий корхонаси (СТПР 304 414 176) ягона талқисининг 2019 йил 4 мартдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чол этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қўлиб қилинади.
Тел.: (98) 117-02-76.


Навсий ёллот адлия бошқармасининг 2019 йил 25 февралдаги 38-ум-сонли буйруғига асосан Алопонов Азизон Анвар ўғли, Аршав Бегурий Кўлдўшқевич ҳамда Шарипова Насиба Эргашевналарга мавлага имтизони топишга қилиб сабабни асос қилиб филология билан шуғулланиш ҳуқуқини бегурий лицензиялар берилганини маълум қилди.

Навсий ёллот адлия бошқармасининг 2019 йил 21 февралдаги 38-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Шарипов, Алишёр Райимовичга "ADOLATLI MUHAMMAD ALI" адвокатлик фирмасидан "ADOLATLI

MUHAMMAD ALI" адвокатлик бекорига айлангизилганини муносабат билан Навсий ёллот адлия бошқармаси томонидан унга 2019 йил 22 февралда 070-сонли инги. адвокатлик гувоҳномаи Берилганини маълум қилди.

Жиззах ёллот адлия бошқармасининг 2019 йил 21 февралдаги 22-А-сонли ва 23-А-сонли буйруқларига асосан адвокат Бейтемур Нурмат Нуралыевич — 2019 йил 21 февралда "Фудролик ва илтифот" ҳамда "Маълумоти ва жиноят" суд ишларини қирғиш юстицияси билан адвокатлик фаолияти бегурий шуғулланиш ҳуқуқини бегурий ОЗ №000113-сонли лицензия ҳамда №100 рақамли адвокатлик гувоҳномаи қайта расмийлаштириб Берилганини маълум қилди.

Жиззах ёллот адлия бошқармасининг 2019 йил 22 февралдаги 24-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳрида фаолият қўригачи "YURIST" адвокатлик фирмаси адвокати Қўлатов Хосиймурод Навоизовичга 2019 йил 27 декабрда берилган 020-рақамли адвокатлик гувоҳномаи ҳамда адвокатлик мақоми тўхтатишга маълум қилди.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ҲУКУМАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИГА ДОИР ҚОНУН ИМЗОЛАНДИ

Куни кеча 5 мартда Президентимиз "Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунни имзолади. Қонун билан Конституцияга бир қатор ўзгаришлар киритилди. Унга кўра, Конституциямизнинг 79-моддаси 4-банди қуйидагича ўзгарди. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига:

— сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдими билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимларга тасдиқлаш учун кўриб чиқиш ва маъқуллаш киритилди.

Шунингдек, қонун билан Конституциянинг 93-моддаси 11-бандига ҳам ўзгариш киритилди. Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилиб, маъқулланганидан кейингина Президент томонидан лавозимга тасдиқлаш тартиби жорий этилди. Ушбу тартибни назарда тутувчи ўзгаришлар "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Қонунларга ҳам киритилди.

Қонунда барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари фаолиятини аниқ кўрсаткичларга эришишга ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳаларни стратегик ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган дастурлари амалга оширилиши

сифати ва самарадорлигига асосланган ҳолда баҳолаш тизими яратилиши белгиланди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунда Ҳукумат аъзоларини маъқуллаш тартиби белгиланди. Унга мувофиқ, номзодлар маъқул қўмита, фракциялар ва депутатлар томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади. Номзодлар Ҳукуматнинг ҳаракатлар дастури билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини Қонунчилик палатасига тақдим этиши лозим. Номзод рад этилса Бош вазир янги номзодни киритади.

Шунингдек, Бош вазир Ҳукумат аъзолари билан ҳар чорада Қонунчилик палатаси ва Сенатга Президентнинг Мурожаатномасидан келиб чиқадиган давлат дастури бажарилиши борасида ҳисобот тақдим этади.

Ушбу Қонун 2019 йил 1 апрелдан кучга киради.

ТАДБИРКОРЛИК ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

"Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Қарори қабул қилинди. Бугунги кунда аҳолининг меҳнат орқали даромад топишга бўлган қизиқишини кескин ошириш, айниқса, муҳтож оилаларнинг хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, худудларда фойдаланилаётган биналарда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни, аҳоли томорқалари ва бўш экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорларга янада кенгроқ имконият ва имтиёзлар яратиш талаб этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2019 йилда "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида аҳоли бандлиги ва даромадлари ошишига кўмаклашиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тажриба тарихида Наманган вилояти Бандлик бош бошқармасида 14 та штат бирлигидан иборат тадбиркорликни ривожлантириш ва

аҳолининг ўзини ўзи банд қилишини рағбатлантириш бўлими ташкил этилиши белгиланди. Ушбу бўлим "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида аҳолининг даромад олиш борасидаги лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, агротехника ва ветеринария хизматлари кўрсатиш, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан, унинг муҳтож қатламларини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шаклларига ўргатиш, кластер тизими орқали даромадли меҳнат фаолиятига жалб этиш, лойиҳаларнинг узлуксиз ва муваффақиятли амалга оширилишига амалий ёрдам бериш билан шуғулланади.

Қарорга мувофиқ "Ҳар бир — оила тадбиркор" дастури доирасида:

— назарда тутилган лойиҳалар ва тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтлари кредит линиялари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

— имтиёзли кредитлар аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган мuddатга ажратилади.

"Ҳар бир — оила тадбиркор", "Ёшлар келажагимиз" ва бошқа шу каби мақсадли дастурлар асосида аҳолига имтиёзли кредитлар эндиликда Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари хулосаси асосида ажратилади. Белгиланишча, бунда дастлаб шартнома асосида лойиҳа эгаси (кредит олувчи)га маҳсулотлар (масалан, қорамол) етказиб берилади, лойиҳа эгаси (кредит олувчи) етказиб берилган маҳсулотдан қаноатланиш ҳосил қилгандан сўнг тегишли маблағлар банк томонидан маҳсулот етказиб берувчининг ҳисобрақамига ўтказиб берилади.

ХАВФСИЗ ТУРИЗМ ЭНДИ ТОШКЕНТ ВА СУРХОНДАРЁДА

2019 йил 6 мартда Президентимиз "Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини имзолади. Қарорга мувофиқ, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида жорий этилаётган Хавфсиз туризмини таъминлаш концепцияси энди Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё

вилоятларида ҳам татбиқ этилади.

Қарор билан Ички ишлар вазирлигининг Транспортда хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси ташкил этилди. Бош бошқарманинг асосий вазифаси метрополитен, темир йўл ва ҳаво-транспортда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳисобланади.

2019 йил 1 апрелдан:

— хавфсиз туризмин таъминлаш бўлимида туристларни автотранспортда кузатиб бориш ҳамда маданий мерос объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга;

— транспортларда хавфсиз туризмин таъминлаш транспортда хавфсизлигини таъминлаш бўлимида туристларни автотранспортда кўриб чиқиш кузатувчи профилактика инспекторлари лавозимларини жорий этиш орқали поездларнинг ўзида амалга оширилади.

Туристик компаниялар томонидан ички ишлар органлари билан SOS сигнални юбориш ва жойлашувни аниқлаш учун GPS-қурилмалар билан жиҳозланган махсус билануқлардан фойдаланиш механизми жорий этилади. Шунингдек, қарорга мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ва олий таълим муассасаларига ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига хизматта Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлмаган шахслар ҳам қабул қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Туристик компаниялар томонидан ички ишлар органлари билан SOS сигнални юбориш ва жойлашувни аниқлаш учун GPS-қурилмалар билан жиҳозланган махсус билануқлардан фойдаланиш механизми жорий этилади. Шунингдек, қарорга мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ва олий таълим муассасаларига ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига хизматта Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлмаган шахслар ҳам қабул қилиниши мумкинлиги белгиланди.

ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИНИ АЛМАШТИРИШДА ОРТИҚЧА ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИГАН БўЛДИ

2019 йил 9 мартда Ҳукумат қарори билан миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги қонунчиликка ўзгариш киритилди. Киритилган қўшимчага мувофиқ, энди ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштиришда қуйидагилар талаб этилмайди:

ҳайдовчининг имтиҳон варақаси; миллий гувоҳномани берган ЙХХБ тасдиқномаси; тиббий маълумотнома; транспорт воситасини 12 ой бошқарганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Энди 2020 йил 31 декабргача миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги гувоҳномаларга алмаштириш учун паспорт ва эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда унинг талониғина тақдим этилади.

"Инсон ва қонун" мухбири
Мадржа АВАЗОВА тайёрлади.

— РАДДИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелда "Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2932-сон қарори қабул қилинган бўлиб, унда юридик кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда ТДЮ)да ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий қилиш, ёшларнинг олий юридик таълим олишларига кенг имкониятлар яратиш вазифалари кўзда тутилган.

Президентимиз томонидан ТДЮУ олдига қўйилган асосий вазифа мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур вазифадан келиб чиқиб, ТДЮУда таълим ҳамда

тарбия жараёнлари тизимли йўлга қўйилган. Бунда талабаларнинг ёзма нутқини ривожлантириш, уларни тахлилий фикрлашга ўргатиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, талабалар томонидан оралик ва яқини назорат ишларининг ёзма топширилиши уларни битирув малакавий иш ёзишга тайёрлаб боради. Шунингдек, университетда "Хуқуқни тадқиқ қилиш методлари" модулининг ўқитилиши талабаларда ҳуқуқий тадқиқот оқиб бориш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ТДЮУ талабаси 4-курсда битирув малакавий иши (диплом иши)ни ўзи мустақил ёза олади. Бунинг учун унинг университетида олган билими ва кўникмаси етарли ҳисобланади. Мана шундай бир шароитда

"Инсон ва қонун" газетасининг 2019 йил 5 март кунги сонида "Диплом ишини ёзиш нархи қайси олийгоҳда қанчалигини биласизми?" қабилидаги шов-шувли сарлавҳа остида мақола эълон қилиниши масала моҳиятидан бехабар юртдошларимизни чалғитиши турган гап. Аввало, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси (демак, эртанги олий маълумотли филолог!) бўлиши Эъзоа Жўраеванинг мақола ёзиш "салоҳияти" ўқувчини жиддий ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Чунки муаллифнинг кичик бир мақолада йўл қўйган айрим хатоларини кўриб, дарҳақиқат, бундай талабалар, ўзи айтмоқчи, "70-80 варақ" битирув ишини қандай ёзиши мумкинлигини ўйлаб қоласан киши. (Агар муҳаррири-

ят жой ажратса, айна мақола ва муаллифнинг саводлилик даражаси алоҳида тахлилий қилиб берилди!) Мазкур мақолада муаллиф: "Ўрганишларимиз натижа-сида кўрдик-ки," диплом ишини ёздирди нархи "...Тошкент давлат юридик университети(да) — 500-800 АҚШ доллари..." дея даъво қилади. Бироқ бу "ўрганиш натижаси" бирор аниқ далил, факт билан тасдиқланмайди. Модомики, мақолада Тошкент давлат юридик университетининг номи ҳам аниқ айтилаётган экан, "500-800 АҚШ доллари" эвазига битирув малакавий иши ёздирган ва ёзиб берганлар номи ҳам аниқ айтилиши керакми-йўқми? Модомики, даъвогар қўлида шундай факт ва далиллар йўқ бўлса, унинг бу иши ТДЮУ шаъни ва кадр-қимматини ерга уриш,

университетга нисбатан қўнғат, деб классификация қилиниши талаб этилади. Чунки мақоладаги ТДЮУ тўғрисидаги гаплар ҳақиқатга мутлақ мос келмайди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4166-сон қарори билан Тошкент давлат юридик университетига юксак ишонч билдирилиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича университетнинг Ихтисослаштирилган филиалини ташкил этиш, фаолиятини йўлга қўйиш жараёнлари қизгин кетаётган бир пайтда ушбу мақоланинг эълон қилинишини ТДЮУнинг ишчанлик обрўсини таҳдирловчи материал сифатида баҳолаймиз.

Тошкент давлат юридик университети маъмурияти

Кўчадаги гапнинг НАРХИ ҚАНЧАЛИгини БИЛАСИЗМИ?



ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ КИТОБЛАР

“ЛЕСТЕР КОДЕКСИ”

“Лестер Кодекси” — бу китобда Леонардо да Винчининг илмий ишлари жамланган бўлиб, 1994 йилда аукционда 30,8 миллион АҚШ долларига Билл Гейтсга сотилган. Китоб 72 варақдан иборат. У ўзида олимнинг қайдлари, расмлар, математик изоҳларни жамлаган бўлиб, ундаги ёзувларни фақат ойнадаги тасвир орқали ўқиш мумкин.

“ГЕНРИХ ШЕР ИНЖИЛИ”

“Генрих Шер Инжили” — XII асрнинг охирида (1175-1188 йиллар оралиги) Генрих Шер учун Германияда чоп этилган. Китоб 226 варақдан иборат бўлиб, аукционда 12,4 миллионга сотилган. Ҳозирда у Германиядаги герцог Август кутубхонасида сақланади.

“АМЕРИКА ҚУШЛАРИ”

“Америка қушлари” китоби — 1827 йилда натуралист-рассом Джон Джеймс томонидан нашр қилинган. Унда қушларнинг иллюстрациялари ва уларнинг илмий тасвири берилган. Бу китоб атиги 200 нусхада чоп этилган. Унинг узунлиги 127 сантиметр, чунки рассом қушларни табиий ҳажмда тасвирлаган. Бу китоб 2000 йилда Қатар шайхи Саудга 8,8 миллион АҚШ долларига сотилган.

“КЕНТЕРБЕРИК ҲИКОЯЛАРИ”

“Кентерберик ҳикоялари” асари инглиз ёзувчиси Джеффри Чосер томонидан XIV асрда яратилган. Китоб тўлпам шаклида бўлиб, унда 22 та шеърый асар ва 2 та насрий новелла мавжуд. 7,5 миллион АҚШ долларига сотилган.

“БИРИНЧИ ФОЛИО: ШЕКСПИР КОМЕДИЯЛАРИ, ТАРИХ, ТРАГЕДИЯЛАРИ”

“Биринчи фолио: Шекспир комедиялари, тарих, трагедиялари” асари Шекспир вафотидан бир неча йилдан сўнг, 1623 йилда чоп этилган. Ўзида 36 та сахна асарини жамлаган ва 900 варақдан иборат. Уша йилларда бу китоб фақат 228 нусхада чиқарилган бўлиб, ҳозир тахминан 40 тача нусхаси сақланиб қолган. У 6 миллион АҚШ долларига баҳоланган.

“ГЕРЦОГ НОРТУМБЕРЛЕНДСКИЙ БЕСТИАРИЯСИ”

“Герцог Нортумберлендский бестиарияси” китоби XIII асрда яратилган. Китобда реал мавжуд ва фантастик ҳай-

вонлар тасвири берилган. Унда ахлоқий мавзуда ҳикоялар ва деталлар ифодаланган. Китоб 1990 йилда коллекционер томонидан 5,4 миллион АҚШ долларига сотиб олинган.

“ГУТЕНБЕРГ ИНЖИЛИ”

“Гутенберг Инжили” 1450 йилларда Иоган Гутенберг томонидан чоп этилган. Ҳозирда унинг 180 нусхасидан атиги 21 нусхаси сақлаб қолган. Бу китоб бебаҳо ҳисобланса-да, унинг тўлиқ бўлмаган 1-жилди 1987 йилда 4,9 миллион АҚШ долларига сотилган.

“МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ҲАҚИДА ТРАКТАТ”

“Меваги дарахтлар ҳақида трактат” — бу француз кўлэмаси бўлиб, ўзида 16 та меваги дарахтлар ҳақидаги тўлпамлар ва уларга иллюстрацияларни киритган. Китобни 1768 йилда Луи Дюамель дю Монсо ёзган. Бу китоб 2006 йилда Брюссель аукционда 4,5 миллион АҚШ долларига сотилган.

Интернет материаллари асосида
Мирура ТЎЛАЕВА тайёрлади.

РЕКЛАМА

Ҳурматли тадбиркорлар!

“АСАКА” БАНК

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар тақлиф этади:

- Коммерцбанк А.Г. (Германия);
- КФВ Ипекс Банк (Германия);
- Ландесбанк А.Г. (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки;
- Хитой Халқ Республикаси ICBC Банки;
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Тараққиёт Банки;
- Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки — “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси Эксимбанки;
- Туркия Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро Тараққиёт Агентлиги — “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида.

“АСАКА” БАНК — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

Маълумот учун телефонлар: (78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24, 120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

<p>ИНСОН ҚОНУН</p> <p>МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИА ВАЗИРЛИГИ</p> <p>www.minjust.uz</p>	<p>2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0061-рақам билан рўйхатга олинган</p> <p>ISSN 2010-7477</p> <p>9 770107 489088</p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p>Қўчқор НОРҚОБИЛ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Тошқулов Акбар Жўрабоевич Рабиёв Шерзод Миржалилович Тожиёв Фуридат Шомуродович Искандаров Ербек Нурбекович Эргашева Дилфуза Рустамовна Мамадалиев Зайниддин Очилович</p>	<p>Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.</p> <p>Навбатчи Гулсум Шодиева</p> <p>Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев</p>	<p>Нашр индекси: 137</p> <p>“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.</p> <p>Ушбу сонда ўза суратларидан фойдаланилди.</p> <p>Тиражи — 12202 Буюртма — V-3202 Топшириш вақти — 19:00 Топширилди — 21:00</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.</p> <p>Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08</p> <p>Обуна бўлими: 233-44-09</p> <p>Баҳоси таъминланган нархда</p> <p>1 2 3 4 5</p>
---	--	--	--	---	---	--